

## ФОСФОРИТ ХОМАШЁЛАРИ

**Ю. Х. Хидирова**

*Доц, Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти*

**М. И. Сайфуллаева**

*Магистр, Қарши муҳандислик – иқтисодиёт институти*

### ARTICLE INFO.

**Ключевые слова:**

апатит, фторкарбонатапатит,  
калцит, фосфорит

### АННОТАЦИЯ

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар мамлакатимизни барқарор суръатлар билан тараккий топишида асосий омил бўлмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли ҳозирги кунда нафақат ички бозоримиз турли-туман маҳсулотлар билан бойимокда, балки экспорт амалиёти ҳам тобора ортиб бормокда. Бу жараёнда ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб қувватланаётгани соҳа ривожига хизмат қилмоқда. Тармоқ ва тармоқлараро ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётган корхоналарда харидоргир замон талабларига мос ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, қўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Ўзкимёсаноат компаниясидан маълум қилишларича жорий йилнинг биринчи декабрида соҳа корхоналари томонидан маҳаллийлаштириш дастурига 147,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, саноат, тоғ-кон, металлургия, нефть-газ сингари соҳалар корхоналарига етказиб берилган. Ҳозирги кунда юртимизда ва дунё бўйлаб ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган соҳалар ривожланиб бормокда. Жумладан енгил ва тўқимачилик саноати, машинасозлик, радио ва электротехника, қурилиш саноатлари ҳамда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши турли туман қимматли хоссаларга эга бўлган кимёвий толалар, каучуклар, лок ва бўёқлар ишлаб чиқариш билан боғлиқдир. Ушбу талабларни инобатга олиб ва бехисоб қимматбаҳо хом-ашёлар, кўмир, нефть ва газларни мўллигини кўзда тутиб, Ўзбекистон нафақат табиий полимерлар диёри, шу билан бирга асосий ва кўп тармоқли сунъий полимерлар ва эластомерлар марказига айланиб бормокда. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг тараккий тапиши, ривожланган давлатлар қаторида ўз муносиб ўрнини эгаллаши, ҳамда энг асосийси халқ форовонлигини ҳар томонлама ўстириш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги ва замонавий технологияларни қўллаш, ишлаб

чиқариш жараёнларини сифатли ва юқори унумдорлик даражасида ташкил қилиш зарур. Саноатнинг энг муҳим ва энг мураккаб тармоқларидан бири ҳисобланган кимё саноатининг ривожланиши халқ хўжалигининг барча соҳаларини тараққий топишига, шунингдек Ватанимиз иқтисодиёти ва халқ фаровонлигини ўсишига ижобий таъсир этади.

Шуни ҳисобга олган ҳолда юртимизда бу соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун юртбошимиз бошчилигида катта эътибор қаратилмоқда ва кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда ва янгилари бунёд этилмоқда. Бу корхоналарнинг барчасида замонавий техника ва жиҳозлар мужассамлашган бўлиб, улар замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Бугунги кунда муболағасиз кимё саноатини мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ортиб бормоқда. Замонавий кимё саноатининг характерли аломатларидан бири органик синтезнинг тез суръатлар билан ўсишидир. Кимё саноатининг ривожланишини муҳим вазифаларидан бири саноатнинг барча тармоқларида ва турмушда замонавий кимё ютуқларидан тўла фойдаланишидир, янги, мукамалроқ ва арзон ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришидир.

Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини ривожлантириш ва ўсимликлар учун озуқавий аҳамиятга эга бўлган элементлар азот, калий, кальций, қайта ишлаб, шу озуқавий элементли минерал ўғитларга қишлоқ хўжалигида йилдан-йилга ўсиб бораётган талабни қондириш ҳозирги кунда муаммолардан бири ҳисобланади [1].

Паст навли Марказий Қизилқум фосфоритлари ҳозирги кунда республикадаги фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий хом ашё базаси ҳисобланади. Донатор фосфоритнинг аниқланган умумий захираси 10 млрд. тоннани ташкил қилиб, унинг фақатгина 10% ини очик усулда қазиб олиш мумкин. [2]. Қизилқум хавзасидаги Жер (Джерой), Сардор (Сардара), Тошқўра (Тошкура), Қорақат (Каратау), Жетимтоғ (Джетимтау) конлари деярли тўлиқ ўрганилган [3]. Йирик конлардан ҳисобланган Жер-Сардор фосфорит захираси 240 млн.т (47 млн.т  $P_2O_5$ )га тенг [4]. Ушбу коннинг 100 метргача бўлган чуқурликдаги  $P_2O_5$  миқдори 100 млн. тоннадан кўпроқ эканлиги аниқланган [5].

Горизонтларда жойлашган бир неча фосфатли қатламлар ичида умумий қалинлиги 1,0-1,3 метр бўлган иккита усткиси саноат аҳамиятига эгадир. Уларни ўзаро 8-12 метрли кучсиз фосфатлашган мергелли қатламлари ажратиб туради. Қатламлардаги фосфорит таркибидаги фосфор ангидрид миқдори биринчи қатламда 16-19% ни, иккинчи қатламда эса 21-23% ни ташкил қилади [6].

Фосфорит рудаси (ундаги 20% мергел жинслари ҳисобига) таркибидаги фосфор ангидриднинг улуши ўртача 16% ни ташкил қилади. Қизилқум фосфат хом ашёси ўзининг таркиби билан Африка ва Арабистон худудида жойлашган йирик конлардаги (Хурибка, Жембель-Онк, Гафса, Абу-Тартур) фосфорит маъданларига жуда яқиндир. [7].

Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари Қизилқум фосфат хом ашёси асосан фторкарбонатапатит ва калцит минералларидан ташкил топганлигини кўрсатди [8].

Ҳозирги кунда Қизилқум фосфорит комплекси корхоналарни фосфат хом ашёси билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эга эмас. Республика қишлоқ хўжалагида фосфорли ўғитларга бўлган талабни тўла таъминлаш учун саноат аҳамиятига эга бўлмаган фосфоритларда фойдаланиб, минерал ўғитлар олишнинг унумли усуллари яратиш зарур.

Ўзбекистон худудида таркибидаги асосий фосфор миқдори маълум фосфоритларга нисбатан кам бўлган фосфатларга Гулиоб (Гулиоб), Ауминзатоғ (Ауминзатау), Чуқай-Тўқай (Чуқай-Тақай), Хўжайли (Ходжейли), Хўжақўл (Ходжақуль), Болақара (Балақаракский), Бўқантоғ (Буқантауский) каби ва бошқа агрономик руда конлари аниқланган. Юқорида қайд этилган маҳаллий паст навли хом ашёлар кимёвий таркиби, тузилиши ва хусусиятлари жиҳатидан бир-

биридан кескин фарқ қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ш.М.Мирзиёев “Қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифа- аввало ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишдир”. Т-2019 1 том 65 бет.
2. В. Н. Кочетков. Фосфороседержащие удобрения: Справочник, М. «Химия» 1982
3. С. Д. Эвенчик и А. А. Бродский. Технология фосфорных и комплексных удобрений. М. ; «Химия», 1987
4. Б. Ф. Кармышев. Химическая переработка фосфоритов, М. , «Химия», 1983г.
5. Б. А. Копылев. Технология экстракционной фосфорной кислоты. 2ое издание, Л.; «Химия» 1981г.
6. М. Л. Чепелевецкий, Е. Б. Бруцнус. Суперфосфат. Физико-химические основы производства. М.Госхимиздат, 1958 г.
7. Соколов Р.С. Химическая технология, - М. «Владос», 2000.
8. Двойной суперфосфат; Технология и применение (М. А. Шапкин, Т. И. Завертяева, Р. Ю. Зинюк, Б. П. Гуллер. Л. ; «Химия», 1987г.
9. Буранова, М. А. (2020). ИННОВАЦИИ-ЗАЛОГ РАЗВИТИЯ И КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРОМЫШЛЕННОСТИ СТРАНЫ. *Интернаука*, (13-2), 9-11.
10. Хашимова, Н. А., & Буранова, М. А. (2020). РАЗВИТИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА ЗАЛОГ УСПЕШНОЙ ПОЛИТИКИ РУЗ. *Интернаука*, (13-2), 28-29.
11. Буранова, М. А., & Сайфутдинова, Н. Ф. (2020). РАЗВИТИЕ ПРОМЫШЛЕННОСТИ-ОСНОВА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ СТРАНЫ. *Интернаука*, (13-2), 12-14.
12. Буранова, М. А. (2019). Перспективы развития электроэнергетической отрасли в условиях модернизации экономики Узбекистана. *Российский внешнеэкономический вестник*, (7), 60-63.
13. Буранова, М. А. (2019). Модернизация–ключ к развитию энергетики. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (5).